

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ФАЛСАФАГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ШАКЛИЙ-СТРУКТУР ТАВСИФИ

Бердибекова Ҳулкар Мавлоновна,

Жиззах давлат педагогика университети таянч-докторанти

Аннотация:

Ушбу мақолада фалсафага оид терминларнинг изоҳли луғатда берилиши билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг таҳлили келтирилган бўлиб, уларнинг лексикографик такомиллаштириш масаласи ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: термин, фалсафа, помета, луғат, изоҳ, тартиб, тамойил, лексикография, мақола, мисол.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос формал-структурологик хусусияти терминлар ва терминологиянинг бойитилишида ҳам ўз аксини топади. Ушбу тадқиқотимизда фалсафий терминларнинг (“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги) структур тавсифини ўрганиш орқали миллий ва ўзлашма терминлардан иборат фалсафий терминологиянинг шаклга оид баъзи хусусиятлари ҳақида фикр юритилади, таклиф ва мулоҳазалар келтирилади. Хусусан, терминларнинг айнан структур хусусиятидан келиб чиқиб, сўз шаклидаги терминологик birlikнинг сўз бирикмаси ёки бутун бошли гап табиий ҳолат эканлигини кўрсатади (баъзи соҳа терминларида аббревиацион терминлар мавжуд).

Соҳавий терминология ривожига салмоқли ҳисса қўшган олим Р.Дониёров терминларнинг формал-структур жиҳатдан таснифини ўзига хос тарзда амалга оширади. Унга кўра бирдан ортиқ лексик узвдан ташкил топган терминлар синтактик усулда ҳосил бўлган терминлар ҳисобланади. Ўзбек тилида ҳам бошқа тиллардаги каби мазкур усулда ясалган терминлар муҳим номинатив манба саналади. Хусусан, олим тадқиқ қилган ўзбек тилининг техник терминологиясида ҳам синтактик усулда ҳосил қилинган терминлар яқка сўзли терминларга қараганда салмоқли ўринни эгаллайди. Рус тилшуноси А.Н.Кожин “терминларда ифодаланаётган нарсанинг белгиси шундоққина ифодаланиб туради, улар билиш сари ҳаракат жараёнида ижтимоий маълумотларни мустаҳкамлашда сўздан иборат тўсиқни ошиб ўтишга ёрдам беради” деган фикрни илгари суради. Кўринадики, Р.Дониёровнинг юқоридаги хулосасига ушбу фикр методологик асос бўлган.[1] Р.Дониёров ўз тадқиқотида синтактик усулда ҳосил бўлган техник соҳа терминларини от+от, нисбий сифат+от, сифатдош+от, жараён номи+от типидagi кўринишларга ажратади. Олим, шунингдек, от+от кўринишидаги терминларни II тип изофали, III тип изофали, IIII тип изофали турларга бўлган. Бу каби терминлар ясалиши жиҳатидан синтактик усул билан ясалган терминлар сифатида, тузилиши жиҳатдан эса *қўшма терминлар* сифатида баҳоланган.[2]

Р.Дониёров томонидан амалга оширилган техник терминлар таснифида айрим эътиборга молик жиҳатлар мавжуд. Олим синтактик усул билан ҳосил бўлган терминларнинг қолипларини айрим ҳолларда морфологик (масалан, от+от), баъзи ҳолларда семантик (жараён номи+от) мезон асосида белгилайди. Шунингдек, бундай терминлар сирасида феъл туркумига мансубларини ажратмаган. Умуман олганда, олим томонидан техник терминлар содда ва қўшма каби турларга ажратилган.

Структур тасниф жараёнида содда ва қўшма фалсафий терминларни фарқлаш мумкин. Таснифдаги “қўшма” сўзига синоним сифатида “мураккаб” сўзи ҳам ишлатилади. Аммо мураккаб термин дейилганда нафақат шакл, балки мазмуний мураккаблик ҳам тушунилиши мумкин. Аслида мураккаб дейилганда компонентлар миқдори назарда тутилади. Шу сабабдан “мураккаб термин”ни синтактик алоқа ёрдамида ҳосил қилинадиган терминларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

“Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари” деб номланган асар муаллифи Н.Қосимов бирдан ортик компонентли илмий-техник терминларни қўшма, жуфт ва гибрид каби турларга ажратган. [3]“Гибрид қўшма терминларда асосан интернационал терминэлементлар сифатида грекча ва лотинча префиксал характердаги боғлиқ морфемалар иштирок этади.

Н.Қосимов тадқиқотида жуфт терминлар ҳам ажратилган. Унинг фикрича, “икки мустақил лексик маъноли компонентларнинг тенг боғланиши асосида ташкил топиб, умумлаштириш, жамлик каби маъноларни ифодаловчи сўз – жуфт терминдир. Жуфтлашувчи қисмлар орасидаги тенглик муносабати ёзувда дефис билан кўрсатилади. Талаффузда бу қисмлар тенг фонетик чўққига эга бўлади, айтиш вақтида, иккинчи ягона лексик урғу ёрдамида лексема бўлиб бирлашади”.[4] Терминлар тор қатлам учун хос бўлган бирлик эканлиги ва кўп ҳолларда юқоридаги каби бирикмали шаклда мавжудлиги боис фалсафий терминларни структур хусусиятларини тадқиқ қилишда умумий ҳолда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) содда;
- 2) қўшма;
- 3) жуфт;
- 4) бирикма.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатлари (икки томли ва беш жилдли)дан ўрин олган фалсафий терминлар орасида шаклий хусусиятига кўра юқорида келтирилган қўшма термин гуруҳига кирувчи бирликлар мавжуд эмас. Кўп жилдли изоҳли луғатларни тузишда шаклий хилма-хиллик ҳам тилнинг бой шаклий хусусиятини намоён этувчи омил сифатида акс этиши керак ва шу сабабли қўшма фалсафий терминларни ЎТИЛга киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. **Содда терминлар.** Бундай терминлар яқка асосли бўлиб, уларда яхлит шаклий ҳамда семантик тузилиш акс этади.

Ўзбек терминосистемасида мавжуд ҳуқуққа оид содда терминларни ясашишга кўра қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин: содда туб терминлар; содда ясама сўз шаклидаги терминлар.

2 томли ЎТИЛда содда туб терминлар: *мазмун, миқдор, идрок*.

Содда ясама сўз шаклидаги терминларнинг ясаиш асоси ўз ёки ўзлашган қатламга оидлигига кўра ҳам терминларни гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш мумкин:

Таъкидланганидек, барча терминосистемаларда бирикма терминлар миқдор жиҳатдан бошқа структуравий тузилишга эга терминлардан кўп. Бу ҳолат фалсафий соҳа термин тизимига ҳам тегишли.

Бирикма фалсафий терминлар структур жиҳатдан икки узвли, уч узвли, тўрт узвли, беш узвли ва олти узвли терминларга бўлинади. Ушбуларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталмаймиз, чунки ЎТИЛдан ўрин олган бирикма терминлар кам миқдорда ҳамда фақат икки узвли бирикма терминлардир.

Икки узвли бирикма терминлар. Булар содда сўз бирикмаси шаклида бўлади, уларда маъновий яхлитланиш кузатилса-да, шаклан ҳоким-тобелик муносабати сезилиб туради.

Айтиб ўтиш керакки, фалсафий терминосистемада кўп узвли бирикма терминларнинг бош ҳарфларидан иборат қисқартма фалсафий терминлар ҳам мавжуд. Аммо уларнинг шаклланиши алоҳида структур форма сифатида таҳлил қилиш учун етарли илмий асосга эга эмас. Қолаверса, ЎТИЛда қисқартма терминлар берилмаган.

Кўп ҳолларда ўзбек адабий тилининг рамзий бирликларига тегишли баъзи хусусиятлар ҳеч қандай сабабсиз махсус фалсафий матнни ташкил этадиган birlikларга ўтказилади. Биринчи тамойил универбация жараёни билан боғлиқ, яъни битта сўз (содда, ҳосила ёки мураккаб) орқали сўз бирикмаларидан англашиладиган тушунчалар тизimini ифодалаш. Бирикма терминлар изоҳида буни яққол кўриш мумкин. Икки узвли терминнинг ўзи, таъбир жоиз бўлса, бутун бошли матн ифодалядиган мазмунни ўзида жамляйди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мавжуд фалсафий терминларни таҳлил қилинганда кўплаб баҳсли, зиддиятли ҳолатларни ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлди. Масалан, ЎТИЛда келтирилган *абад, абсолют, абсолютизм, абстрак* каби кўплаб фалсафий терминларнинг термин эканлиги махсус пометалар орқали ифодаланмаган. Бундан ташқари ЎТИЛда флс. Пометаси орқали сўзларнинг фалсафага оид терминлик маъносини берилиши, яъни флс. Пометаси орқали сўзнинг фалсафий терминлик маъносини беришда ҳам муайян тартибнинг йўқ эканлиги, ёки мавжуд бўлмаса-да, унга амал қилинмаганлигини кузатишимиз мумкин. Масалан,

“АНАЛОГИЯ [юн. аналогия – мувофиқлик, айнанлик, ўхшашлик]

1 флс. Нарса ва ҳодисаларда бирор хусусиятнинг ўхшашлиги.

2 мнт. Хулоса чиқариш шакли бўлиб, бунда икки нарса, ҳодиса ўртасидаги бирор жиҳатдан ўхшашлик асосида уларнинг ўхшашлиги ва бошқа жиҳатлари ҳақида хулоса чиқарилади.

3 хук. Бирор аниқ ҳаракат қонунда ўз аксини топмаган ҳолда шунга ўхшаш ҳаракат (ҳодиса)ни кўзда тутадиган ҳукукий меъёрни мазкур ҳаракатга татбиқ етиш.

4 тлш. Тил бирликларининг ўзаро қандайдир муносабат таъсирида вазифа ёки бошқа жиҳатдан ўхшашлик, бир хиллик касб етиши. Мас., боқ, қара обйекциз феълларининг мустақил ва кўмакчи феъл ҳолида кўр обйектли феълига вазифадош, маънодош бўлиши: ўқиб кўр – ўқиб қара – ўқиб боқ”.[5] Тадқиқотнинг долзарблиги ва янгилиги ўрганилаётган давр фалсафий атамасининг семантик хусусиятларини аниқлаш зарурати билан белгиланади, бу фалсафий матнининг фалсафий терминологик тизимини лингвистик тавсифлаш учун илмий асос яратади. Замонавий терминологиянинг муҳим ютуқларига қарамай, умуман фалсафий атама ва хусусан тасвирланган давр фалсафий атамасини лингвистик ўрганишда кўплаб ҳал етилмаган ва ҳатто муҳокама учун илгари сурилмаган муаммолар мавжуд: Умуман фалсафий атамалар ва ўрганилаётган давр фалсафаси атамалари бир қатор ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Adabiyotlar:

1. Дониёров Р. Кўрсатилган асар. – Б. 97.
2. Дониёров Р. Кўрсатилган асар. – Б. 148.
3. Қосимов Н. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси масалалари (Сўз ўзлаштириш ва аффиксация масалалари). – Тошкент: Фан, 1985. – Б.47
4. Қосимов Н. Кўрсатилган асар. – Б. 68.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати V жилдли. Тошкент.: УзМЭ. 2020.